

12-МАВЗУ. ЧОРВАЧИЛИК ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Режа:

- 1. Умумий тавсиф. Қорамолчилик. Чўққачилик*
- 2. Қўйчилик. Эчкичилик. Йилқичилик*
- 3. Туячилик. Даррандачилик. Паррандачилик*
- 4. Асаларичилик. Пиллачилик. Балиқ хўжалиги*

Таянч термин ва тушунчалар

Чорвачилик, қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, чўққачилик, эчкичилик, йилқичилик, даррандачилик, паррандачилик, курка хўжалиги, асаларичилик, пиллачилик, балиқ хўжалиги.

Чорвачилик-қишлоқ хўжалигининг йирик тармоқларидан бири, у халқ хўжалигида муҳим ўрин тутди. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ўз аҳамиятига кўра деҳқончиликдан кейинги мавқени эгаллайди. Лекин айрим мамлакатларда (Австралия, Дания, Саудия Арабистони, Буюк Британия ва б.) деҳқончиликдан устун туради.

Чорвачилик аҳолининг кундалик рациондаги муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари сут, гўшт, ёғ, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлайди.

Чорвачилик енгил саноатнинг бир қатор тармоқлари (кўн-пойабзал, тўқимачилик, мўйна саноати ва бошқалар) учун хом ашё етказиб беради. Озиқ-овқат саноатини эса гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлайди. Айрим чорва моллари от, эшак, туя, буғу, хачир, хўкиз ва, ҳатто итлардан жонли ишчи кучи сифатида от(улов)-транспорт воситаси сифатида фойдаланилади.

Чорва молларининг чиқиндилари, яъни органик ўғит(гўнг) тупрок унумдорлигини оширишда қимматли ўғит вазифасини ўтайди. Чунки гўнг таркибида ўсимликлар ўсиши учун зарур бўлган жуда кўплаб озиқа моддалар мавжуд бўлади.

Чорва молларидан турли хил шифобахш зардоблар, дори-дармонлар тайёрланади. Шунингдек ички органлари, суяги ва шоҳи каби қолдиқларидан гўшт ва суяк унлари ишлаб чиқарилади. Чорва молларининг маҳсулдорлиги улардан олинадиган сут, гўшт, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан белгиланади. Чорва молларининг маҳсулдорлиги эса чорва молларининг тури, ёши, насли, ички ва ташқи тузилишига боғлиқ. Чорвачилик боқиладиган чорва молларининг тури, улардан олинадиган маҳсулотларга кўра тармоқларга бўлинади.

Жаҳон чорвачилик географияси қуйидаги асосий тармоқларга бўлинади: қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, чўчқачилик, паррандачилик, пиллачилик, буғучилик, қуёнчилик, туячилик, қўтосчилик, моролчилик, балиқчилик, асаларичилик, даррандачилик ва бошқалар. Мазкур тармоқлар асосий чорвачилик маҳсулотларини етказиб беради.

Чорвачиликнинг ривожланиши зоотехника, зооветенария ва деҳқончилик билан узвий боғланган. Чорвачиликда ҳам юқоридаги йўналишларнинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланиш мақсадли ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Чорвачилик ва деҳқончилик бир-бири билан алоқадор ҳолда ривожланади. Чорвачилик тармоқларида яратилган маҳсулотлар деҳқончиликда моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, экинлар ҳосилдорлигини оширишга имконият яратса, деҳқончилик ҳам ўз навбатида чорвачилик учун жуда зарур бўлган озуқа базаси-ем-ҳашакнинг катта қисмини етказиб беради. Сомон, похол, кепак, картошка, сабзавот, боғдорчиликдаги қўшимча маҳсулотлар, яъни уларнинг чиқиндилари ҳам чорвачиликда кенг фойдаланилади.

Чорвачилик дунёнинг барча мамлакатларида у ёки бу даражада ривожланган. Чорвачиликнинг тарқалиши ўтлоқ ва яйловлар билан боғлиқ. Маълумки, жаҳон ер фондининг катта қисми, яъни 3,1 млрд. га ёки 23 % ини яйлов ва ўтлоқларга тўғри келади. Мазкур унумдор ўтлоқ ва яйловлар асосан мўътадил минтақада жойлашган ва умумжаҳон чорвачилик маҳсулотларининг

асосий қисми айнан ушбу минтақага тўғри келади. Маълумки, мўътадил минтақа донли экинларни энг кўп етиштиради ва бу ғалланинг қарайб тенг ярми чорва молларига ем қилиб берилади.

33-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чорва моллари сонининг ўсиши
(минг бош ҳисобида)

Йиллар	Қорамоллар	Шундан сизирлар	Қўй ва эчкилар	Чўчқалар
1941	1672,3	621,6	102,4	5792,0
1951	1308,8	410,4	63,5	8096,0
1961	2232,0	910,0	387,0	3902,0
1971	2906,6	1139,8	296,4	7977,7
1981	3530,2	1360,7	531,4	8967,9
1990	4180,2	1644,7	8785,6	742,9
1991	4580,8	1856,4	9229,6	716,0
1995	5483,3	2336,9	10059,3	350,4
2000	5334,4	2344,6	8933,1	...
2001	5353,4	2343,4	8932,5	...
2002	5379,0	2358,5	8983,8	...
2006	6571,4	2821,3	11351,9	86,9
2007	7042,5	2982,7	12019,3	92,3

Жаҳон чорвачилик географияси чорва моллари сони ва уларнинг жойлашишига қараб белгиланади. Чорва молларининг умумий сони 4,2 млрд, паррандалар эса 15,5 млрд. бошга яқин.

Чорвачиликнинг муҳим хусусиятларидан бири чорва моллари сони одатда, ривожланаётган мамлакатларга, улардан олинадиган маҳсулотлар ҳажми эса ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

Ўзбекистон ҳам айрим чорвачилик тармоқларининг энг қадимий марказларидан бири ҳисобланади. Республиканинг қулай табиий ва иқлимий шароити-серҳосил водий ва воҳалари, адир, тоғ олди ва чўл минтақаси яйловлари чорвачиликнинг қадимдан ривожланишига замин яратган.

Ўзбекистон қадимдан қорақўл қўйлари билан машҳур бўлиб, қорақўлчилик халқаро аҳамиятга эга.

Республика чорвачилиги табиий ва иқтисодий омиллар, шунингдек озуқа базаси таъсирида ихтисослашиб, ривожланиб, чорва моллари сони ва маҳсулотлари ортиб бормоқда (33-жадвалга қаранг).

ҚОРАМОЛЧИЛИК

Қорамолчилик-чорвачиликнинг қадимий ва энг йирик тармоғи.

Қорамоллар асосан сут ва гўшт олиш учун боқилади. Уларнинг териси кўн-пойабзал саноати учун хом ашё ҳисобланади. Шунингдек, айрим ҳудудларда хўкизлардан омоч қўшиб ер хайдашда фойдаланилади.

Чорвачиликда етиштирилган гўшт ва сутнинг асосий қисми қорамолчилик ҳиссасига тўғри келади.

Қорамолчилик сут, сут-гўшт, гўшт-сут ва гўшт йўналишларига эга. Бу йўналишлар чорва молларининг зотларига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Аҳоли истеъмолидаги жами гўштнинг 1Ғ3 қисми ва сутнинг 9Ғ10 қисмини қорамоллар етказиб беради. Жаҳонда қорамолларнинг умумий сони 1344 млн. бошга тенг. Уларнинг ярмидан кўпи Евросиё мамлакатларида боқилади. Қорамоллар сони энг кўп бўлган мамлакат Ҳиндистондир(218,8 млн. бош). Бу мамлакатга дунёдаги жами қорамолларнинг 16,3 % и тўғри келади. Кейинги ўринларни Бразилия, Хитой, АҚШ, Аргентина каби мамлакатлар эгаллайди(34-жадвалга қаранг).

Мўътадил минтақанинг интенсив сут ва гўшт-сут йўналишлари ривожланган ҳудудларида Холмохор, Красная степная, Кострома, Бестужев зотли қорамоллар энг кўп боқилади. Бундай зотли моллардан 10000-17000 кг сут соғиб олинган. Герефорд, Қалмиқ, қозоқ отбош, Шарелез зотли қорамолларнинг вазни 1000-1200 кг келади.

34-жадвал

Жаҳон мамлакатларида йирик шоҳли қорамоллар сони (2000)

Мамлакатлар	Жами сони, млн. бош ҳисобида	Мамлакатлар	Жами сони, млн. бош ҳисобида	Мамлакатлар	Жами сони, млн. бош ҳисобида

Ҳиндистон	218,8	Колумбия	26,0	Кения	13,8
Бразилия	167,5	Австралия	25,5	ЖАР	13,7
Хитой	104,1	Бангладеш	23,4	Канада	12,6
АҚШ	98,0	Покистон	22,0	Индонезия	12,1
Аргентина	55,0	Франция	20,2	Буюк Британия	11,1
Судан	35,3	Нигерия	19,8	Туркия	11,0
Эфиопия	35,1	Венесуэла	15,0	Уругвай	10,8
Мексика	30,3	Германия	14,6	Украина	10,4
Россия	27,1	Танзания	14,4	Мадагаскар	10,4

Ўзбекистон чорвачилигида ҳам қорамолчилик асосий ўрин тутади. Республикада етиштирилган жами гўштнинг 3Ғ4 қисми, сутнинг деярли барчаси қорамолчиликка тўғри келади. Унинг сут, сут-гўшт ва гўшт йўналишлари тоғ ва тоғ олди минтақаларида ривожланган. Маҳаллий табиий шароитга мослаштирилган Бушуев, қўнғир, қора-ола зотлари кўпроқ боқилади.

Ўзбекистонда 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, 7,0 миллион бошдан ортиқ қорамоллар боқилади. Қорамолчиликка ихтисослаштирилган 11 та наслчилик заводи, 15 та наслчилик хўжалиги ва 180 та наслчилик фермалари ташкил этилган. Республика миқёсида Самарқанд(996,9 минг бош), Қашқадарё(746,4 минг бош), Бухоро(620,1 минг бош), Хоразм(606,3 минг бош) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси(601,0 минг бош) энг кўп қорамоллар сонига эга бўлса, қорақўлчиликка ихтисослаштирилган Сирдарё(212,6 минг бош) ва Навоий(244,5 минг бош) вилоятлари, аксинча, энг кам қорамоллар сонига эгадирлар.

ҚЎЙЧИЛИК

Чорвачиликнинг муҳим ва етакчи тармоқларидан бири қўйчиликдир. Бу тармоқнинг асосий вазифаси жун, гўшт-ёғ, тери маҳсулотларини етказиб беришдир. Қўйларнинг энг қимматли маҳсулотларидан бири-жун бўлиб, жун енгил саноатнинг муҳим хом ашёси ҳисобланади. Қўйчилик-қўйлар жунининг сифати бўйича майин жунли, ярим майин жунли, ярим дағал жунли ва дағал жунли йўналишларга бўлинади.

Майин жунли ва ярим майин жунли қўйлар қурғоқчил, маҳсулдор яйловларга ва ем-хашак базасига эга бўлган ҳудудларда боқилади. Майин жунли қўйларга Аскания, Олтой, Қозоқи, Архар-меринос ва Меринос зотлари киради. Уларнинг вазни 45-50 кг дан то 175 кг гача келади.

Дунёда энг йирик майин жунли қўйлар зоти Аскания меринос бўлиб, кўчқорлари 175 кг гача тош босади. Майин жунли қўйлар Волгабўйидан то Болтиқбўйи даштларигача бўлган ҳудудларда энг кўп боқилади. Майин жунли қўйлардан тивит олинади. Бу борада Волгабўйи минтақаси, айниқса Татаристон тивит рўмоллар тайёрлашда машҳурдир.

Дағал жунли мўйнали қўйчилик(қорақўлчилик) гўшт-ёғ беради, асосан қимматли тери ва жун олинади. Дағал жунли қўйлар кўпроқ чўлларда боқилади, чунки қорақўл қўйлари шўрхок(галофит) ўсимликларни хуш кўриб истеъмол қилади. Қизилқум, Қорақум, Мўйинқум, Бетпақдала чўлларида қорақўл қўйлари энг кўп боқилади. Шунингдек, Эрон, Афғонистон, ЖАР, Аргентинада ҳам қорақўлчилик ривожланган.

Дунё бўйича қўйлар сони 1060 млн. бошга тенг. Қўйчилик намчил, юмшоқ иқлимли ҳудудлардан тортиб, то қурғоқчил ва нисбатан иссиқ ҳудудларда, ўт-ўланларга бой кенг яйловли ҳудудлар бўйлаб кенг тарқалган.

Ихтисослашишига кўра майин ва ярим майин жунли қўйчилик иқлими юмшоқроқ ва ёғин-сочин кўп тушадиган дашт ва чалачўл минтақаларда, тери ва гўшт берувчи қўйчилик, жумладан, қорақўлчилик қурғоқчил чала чўл ва чўл минтақаларида энг кўп боқилади.

Қўйлар сонига кўра узоқ йиллар Австралия карвонбошилиқ қилиб келган бўлса, ҳозирда Хитой ундан ўзиб кетди ва дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Қўйлар Хитой (131,1 млн. бош), Австралия (116,7млн.бош)да энг кўп боқилади. Шунингдек, Ҳиндистон, Эрон, Янги Зеландия, Буюк Британия, Судан, Туркия каби мамлакатлар қўйлар сонига кўра етакчилик қилади (35-жадвалга қаранг).

35-жадвал

Жаҳон мамлакатларида қўйлар сони

(2000)

Мамлакатлар	Млн. бош хисобида	Мамлакатлар	Млн. бош хисобида	Мамлакатлар	Млн. бош хисобида
Хитой	131,1	Испания	23,7	Аргентина	14,5
Австралия	116,7	Эфиопия	21,0	Перу	14,4
Ҳиндистон	57,9	Нигерия	20,5	Монголия	14,0
Эрон	53,9	Жазоир	18,2	Сомали	13,1
Янги Зеландия	45,7	Афғонистон	18,0	Уругвай	13,0
Буюк Британия	44,7	Марокаш	17,3	Италия	11,0
Судан	42,8	Бразилия	15,0	Франция	10,5
Туркия	30,2	Россия	15,0	Қозоғистон	10,5
ЖАР	24,1	Сурия	14,5	Греция	9,0

Жаҳонда энг интенсив ривожланган қўйчилик Австралия ва Янги Зеландияда таркиб топган. Улар жаҳон бозорида энг кўп қўй гўшти, жун ва тери етказиб беради. Австралиянинг дашт ва чалачўл худудларида қўйчилик станциялари - **ш и п с т е й ш н з л а р** ташкил этилган. Шпистейнзлар табиий яйлов бўлиб, уларнинг майдони ўн ва ҳатто юз минг гектарга етади. Айримларининг майдони 2 минг кв. км. бўлиб, бу салкам Андижон вилояти ер майдонининг тенг ярми демакдир. Бу станцияларда йил давомида энг юқори сифатли австралиянинг майин жунли меринос қўйлари боқилади.

Жаҳон қорақўлчилигида Ўзбекистон ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Республикамизда тайёрланган қорақўл терилари жаҳон бозорида юқори баҳоланган. Халқаро ярмаркаларда, Европа ва Америка бозорларида, Санкт-Петербург ким ошди савдосида сотилади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда қорақўл қўйлариининг энг яхши наслдор зотлари боқилади.

Қорақўл қўйлари терисининг сифати бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўрин эгаллайди.

Қорақўл қўйлари бундан 8000 йил муқаддам Ўрта Осиёда хонакилаштирилган. Ўзбекистонлик уста чорвадорлар ва халқ

селекционерларининг ижобий ишлари натижасида қоракўл қўйлари яратилган.

Қоракўл қўйларининг ватани Ўзбекистон ҳисобланади.

Маълумки, қоракўл қўйларидан жуда қимматли қоракўл териси олинади. Қоракўл терисининг сифати қоракўл қўйларининг тезроқ сўйилишига боғлиқ. Одатда, сифатли қоракўл териси 1-3 кунлик кўзилардан олинади. Уларнинг ранги сарғиш, қора, кўк бўлади ва терилар куёш нурида товланиб, ўзгача бир чирой бериб туради.

Ўзбекистонда 5 млн. бошдан ортиқ қоракўл қўйлар боқилади. Республикада 120 та қоракўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилган. Улардан 18 таси наслчилик заводи ва 9 таси наслчилик хўжаликлари дир. Қоракўл қўйлари Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида энг кўп боқилади.

Наслчилик заводлари турли рангдаги қоракўл қўйларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бу заводларда янги жакет қора рангли, қорақалпоқ сур, зармалла рангли қўй-кўзилар яратилди.

Ўзбекистонда етиштирилган қоракўл терилари Ўзбекистон-Греция ҳамкорлигида ташкил этилган «Бухоро-Омега» қўшма корхонасида қайта ишланади.

Республикада қоракўл қўйларидан ташқари ҳисори қўй ҳам боқилади. Ҳисори қўйлар йирик, яъни катта бўлиб, кўчқорларининг тирик вазни 190 кг гача етади. Ҳисори қўйлар 140-150 кг гўшт-ёғ беради. Бу қўйлар тоғ олди ва тоғли ҳудудлар-Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро ва қисман Хоразм вилоятларида боқилади.

ЧЎҚАЧИЛИК

Чўққачилик чорвачиликнинг муҳим интенсиф тармоқларидан бири.

Чўққачилик ниҳоятда сергўшт бўлганлиги сабабли ундан асосан гўшт ва ёғ олинади. Чўққачилик қорамол ва қўйчиликдан айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу биринчидан, тез кўпаяди, иккинчидан омухта ем-ҳашакка,

шунингдек илдиз меваларга таянади. Шунинг учун чўчқачилик мўътадил минтақанинг дашт ва ўрмон-дашт зоналарида энг кенг тарқалган.

Чўчка бир йилда икки марта, ўртача 20-25 тагача болалайди. Боқиладиган чўчка 10 ойлигида 130-150 кг тош босади ва унинг 75-85 % и гўштдан иборат бўлади. Бўрдоқи чўчқалар вазни 300-350 кг гача етади(айрим ҳолатларда 450 кг гача).

Чўчқалар асосан гўшт ва ёғ олиш учун, шунингдек тери олиш мақсадида боқилади. Чўчка гўштидан яхши консервалар, шунингдек колбоса, рулет ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Чўчқалар дастлаб Европа ва Осиёда хонакилаштирилган.

Дунё бўйича 909 млн. бошдан зиёд бўлган бу тармоқ жаҳон аҳолиси истеъмол қиладиган гўштнинг 40 % ини етказиб беради. Чўчқачилик мусулмон мамлакатларидан ташқари, аҳолиси зич жойлашган ареалларда, йирик саноат марказлари яқинида, интенсив чорвачилик худудларида ривожланган. Жаҳонда боқиладиган чўчқаларнинг қарайб тенг ярми Осиё мамлакатларига, биринчи навбатда Хитойга(436,8 млн. бош) тўғри келади. Кейинги ўринларни АҚШ(59,3 млн. бош), Бразилия(27,3 млн бош), Германия(27,0 млн. бош) эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳам чўчқачилик мавжуд бўлиб, аҳолиси асосан рус ва русийзабон халқлардан иборат бўлган йирик шаҳарлар атрофида ва дон хўжалиги минтақаларида, Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилоятларининг адир зоналарида жойлашган. Маҳаллий аҳоли учун ёт бўлган бу тармоқ Ўзбекистонга XIX асрнинг охирларида руслар томонидан олиб келинган.

Республикамизда кейинги йилларда бу тармоқ қисқариши кузатилди. Республика барча хўжаликларида чўчқалар сони 92,3 минг бошни ташкил этади(2007).

ЭЧКИЧИЛИК

Чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири эчкичиликдир. Бу тармоқ асосан гўшт, жун, тери ва сут етказиб беради. Сути шифобахш ва серқаймоқ,

шунинг учун она сутидан кейинги ўринда туради ва чақалоқларга кўп берилади. Жунидан тивит рўмоллари тўқилади, драп, адёл ва турли трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.

Эчкилар чидамли хайвон бўлиб, асосан тоғли ва тоғ олди ҳудудларда боқилади. Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида ривожланган. 2000 йил маълумотларига кўра, дунё бўйича, эчкилар сони 714 млн. бошни ташкил этган. Унинг 1/5 қисми Хитойга тегишлидир (148,4 млн.бош). Эчкилар сони Ҳиндистон (123 млн.бош), Покистон (47,4 млн.бош), Судан (37,8 млн.бош)да энг кўпдир. Шунингдек Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистонда ҳам ривожланган.

ЙИЛҚИЧИЛИК

Йилқичилик-чорвачиликнинг энг қадимий тармоқларидан бири, халқ хўжалигида муҳим ўрин тутди.

Йилқиларнинг энг асосий маҳсулдорлиги уларнинг иш лаёқати билан баҳоланади. Сут, гўшт, тери, жун улардан олинадиган қўшимча маҳсулотлар ҳисобланади. Гўшт ва сути шифобахш хусусиятларига эга. От гўшtidан қазии ва колбасалар, эрта баҳорда эса маҳаллий аҳолии томонидан ҳалим тайёрланади. Бия сутидан шифобахш қимиз олинади.

Булардан ташқари, йилқилардан спорт мусобақаларда, транспорт воситаси сифатида, ер ҳайдашда, геологик разведка ишларида, илмий экспедицияларда кенг фойдаланилади.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон қорабайир отлари билан дунёга машҳур. Туб жой аҳолии эрамиздан олдинги асрларда қорабайир отларини боқиб хонакилаштира бошлаган. Қорабайир отлари жуда қадимий зот бўлиб, кучли, чидамли, чопоғон, ишчан ва чиройли кўринишга эга.

Қорабайир отлари етиштириш ва кўпайтиришга республикада Самарқанд ва Жиззах вилоятлари хўжаликлари ихтисослаштирилган.

Йилқилардан араб зоти, Орлов, Владимир зотлари кенг тарқалган. Араб отларининг гавдаси жуда ҳам чиройли бўлиб, салт минишда фойдаланилади.

Орлов ва Владимир отлари юк тортишга мўлжалланган. Орлов оти аравага ортилган юкни тез торта олади, Владимир оти оғир, 16 тоннагача юкларни ташишга мослаштирилган.

Ўзбекистоннинг барча хўжаликларида 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 162,8 минг бош йилқилар мавжуд.

ТУЯЧИЛИК

Чорвачиликнинг йирик ва қадимий тармоқларидан бири туячиликдир. Туячилик тропик ва субтропик чўл ва чўл зоналарида етакчи ўрин тутди.

Қумли саҳроларнинг асосий транспорт ҳайвони туя ҳисобланади. Туялардан чўлларда юкларни ташишда транспорт сифатида кенг фойдаланилади. Туядан гўшт, сут ва жун олинади.

Туя чўл, чала чўл ва қуруқ дашт зоналарининг иссиқ иқлимига мослашган. Узоқ муддат давомида сувсизликка чидай олади, у бир неча кеча-кундуз сув ичмасдан йўл босиши мумкин.

Маълумотларга кўра, туячилик 4 минглик тарихга эга. Туяларнинг бир ва икки ўрқачли турлари бор. Бир ўрқачли туялар дромедар, икки ўрқачлиси Бактрия деб номланади.

Туячилик Осиё ва Африка мамлакатларида жуда яхши ривожланган. Дунё бўйича 19 млн бош туя мавжуд. Унинг 1/3 қисми Сомалига (5,8 млн бош) тўғри келади. Суданда 3,2 млн бош, Мавритания ва Покистонда 1,2 млн бош туялар боқилади.

Туя сутидан шифобахш қимиз тайёрланади, гўшти истеъмол қилинади. Жуни эса тўқимачилик ва гилам саноатида қимматли хом ашё ҳисобланади.

Ўрта Осиё республикаларида Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон шунингдек Волгабўйи (Қалмоғистон Республикаси) қумли чўлларида боқилади.

Ўзбекистонда туячилик кўпроқ Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ривож топган.

ДАРРАНДАЧИЛИК

Даррандачилик(мўйначилик)-чорвачиликнинг қадимий ва анаънавий тармоқларидан бири бўлиб, мўйнали ҳайвонлар етиштириш билан шуғулланади. Бу тармоқда етиштирилган нодир ва қимматбаҳо мўйналар кийим-кечаклар ишлаб чиқаришда муҳим хом ашё сифатида ишлатилади.

Мўйнали ҳайвонлар (қундуз, сувсар, тулки, норка, бобр, андатра, нутрия, суғур, юмронқозиқ) кўпроқ ўрмонда яшайди. Айримлари (сув каламуши ва сув бобри-нутрия) сув ҳавзаларида тарқалган.

Мўйналар жаҳон бозорларида қадимдан юқори баҳолаб келинади. Мўйналарнинг сифати унинг жуни ва терисига қараб баҳоланади.

Мўйначилик Сибирь, Узоқ Шарқ, Калифорния, Ғарбий Европа, Кавказ, Корея, Хитой, Канада, Монголияда жуда яхши ривожланган.

Ўзбекистонда эса асосан Сирдарё ва Амударё ҳавзасида жойлашган. Қуйи Амударё ва Тошкент-Мирзачўл ва Сурхондарё минтақаларида мўйначилик ривожланган. Бу минтақаларда мўйначилик хўжаликлари ташкил этилган. Уларда ондатра, нутрия, норка, тулки каби даррандалар саноат усулида боқилади.

ПАРРАНДАЧИЛИК

Паррандачилик-чорвачиликнинг сердаромад, тез етиладиган ва халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган тармоғи. Ундан тухум, гўшт, парранда пати олинади. Парранда гўшти ва тухуми парҳез таом сифатида фойдаланилади.

Паррандачилик икки асосий йўналиш-тухум ва гўшт паррандачилигидан иборат.

Паррандачилик сўнгги ўн йилликларда саноат технологияси асосида ривожланмоқда. Паррандачилик фабрикалари йирик шаҳарлар, шаҳарлар агломерациялари ва саноат марказлари яқинида тўпланган. Шунингдек, ғалла етиштириладиган ва аралаш ем ишлаб чиқарувчи корхоналар яқинида ҳам жойлашади.

Паррандалар кўп турдан иборат бўлгани учун (товуқ, ўрдақ, ғоз, курка, бедана) улар турлича биологик хусусиятларига эга. Улардан товуқ ва ўрдақ 2-3 ойлигида гўшт учун сўйилиши мумкин. Тovuқлар 4-5 ойлигидан тухум бера бошлайди.

Товуқларнинг ватани Ҳиндистон, бу ерда аҳоли ёввойи баккив товуқларини хонакилаштирган. Ҳозирги вақтда товуқларнинг жуда кўплаб зотлари яратилган. Ўзбекистонда товуқларнинг оқ леггорн (рус оқ товуғи), дакан, хашаки, кросс-олатов, кросс-конкурект зотлари энг кенг тарқалган.

Ўрдақлар чуррак деб аталадиган ёввойи ўрдақлардан келиб чиққан. Ўзбекистонда Пекин, Ҳиндистон чопқири, хакке-кемпбелл зотлари боқилади.

Ўзбекистонда 24,2 млн бош паррандалар боқилади (2006).

Жаҳон мамлакатларида 2000 йил маълумотларига кўра, 14,3 млрд бош товуқ, 886 млн бош ўрдақ ва 240 млн бош курка боқилади.

Паррандалар сонига кўра Хитой (3625 млн бош) мутлақ биринчи ўринда туради. Кейинги ўринларни АҚШ (1720 млн бош), Бразилия (1010 млн бош), Индонезия (800 млн бош) эгаллайди.

Куркалар гўшт маҳсулдорлиги бўйича паррандалар ичида энг олдинги ўринда туради. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда курка етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бир қатор хорижий мамлакатлар Исроил, АҚШ, Болгария, Россия билан ҳамкорликда қўшма корхоналар бунёд этилди. Хонобод, Чимён, Риштон, Урганч ва Янгийўлда куркачиликка ихтисослашган паррандачилик фабрикалари фаолият юритилмоқда.

Аҳоли томонидан шахсий хўжаликларида ҳам курка боқишга қизиқиш ортиб бормоқда.

АСАЛАРИЧИЛИК

Асаларичиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти катта. Бу тармоқда қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари-асал, асалари муми ва елими олинади. Шунингдек, асалариларидан ўсимликларни чанглатишда фойдаланилади.

Асаларичилик Ўзбекистонда қадимдан ривожланиб келган. Ундан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида фойдаланиб келинади.

Асаларичиликнинг асосий маҳсулоти асал бўлиб, у шифобахш ҳисобланади. Асал инсон организми учун гоят фойдали бўлиб, қадимдан тўйимли таом сифатида истеъмол қилиб келинади.

Асал таркибида 76 % қанд, 18 % сув ва 70 дан ортиқ моддалар, органик кислоталар ва витаминлар мужассамлашган. Шунинг учун у табобатда кўплаб касалликларни даволашда, дори-дармон тайёрлашда кенг ишлатилади. Беморларга парҳез таом сифатида тавсия этилади. Шунингдек шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда ҳам асаларилар боқилади.

Яхши асал-тоғ асали. Тоғлардаги доривор гиёҳлар гулидан йиғилган тоғ асали энг яхши асал ҳисобланади.

Маълумки, асаларилар қутиларда боқилади. Ўрта Осиёда асалариларни қутиларда боқиш ХИХ асрнинг охирларидан бошланган. Ўша даврларда Кавказ кулранг тоғ асалариси, Украина дашт асалариси ва Ўрта рус асалариси олиб келинган. Натижада илгариги асаларилардан биологик ва фойдали хўжалик белгилари билан фарқ қиладиган асалариларнинг янги популяцияси (туркуми) вужудга келди.

Ўзбекистонда асаларичиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилган. Республиканинг табиий шароити бу тармоқни ривожлантиришга жуда қулайдир. Текисликлар водий ва воҳалардаги мевали боғлар, тоғ ва тоғ олди зоналаридаги ёввойи мевали дарахт ва буталар, гуллар суғорма деҳқончилик зонасидаги кенг пахтазорлар асаларилар учун озуқа базасидир. Асаларилар етиштирилган ҳосил, яъни асал баҳор (май, июн) ва ёз (август, сентябр) мавсумида йиғиштириб олинади. Асаларилар кўчма усулда боқилади. Ёзги мавсумда пахтазорларга ва тоғларга олиб чиқилади.

Ўзбекистонда йилига ўртача 20 минг тоннагача асал етиштирилади. Агар имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, бундан ҳам кўпроқ асал тайёрлаш мумкин.

ПИЛЛАЧИЛИК

Пиллачилик чорвачиликнинг қадимий ва машҳур тармоқларидан бири. Пиллачилик ипак қурти боқиш ва унинг янги зотларини яратиш, пилладан

мўл-ҳосил етиштиришни ўз ичига олади. Ипак курти асосан тут барглари билан озиқланади. Шунинг учун пиллачилик тараққиёти тутчилик билан узвий боғланган. Тутзор плантациялари катта майдонларни эгалласа пиллачилик ҳам юксак даражада ривожланади. Хитой, Япония, Корея ва Ҳиндистонда дуб, айланд каби дарахтларнинг барглари ҳам озуқа сифатида берилади.

Ипак куртининг ватани Хитой ҳисобланади. Хитойда узок муддат ипак куртини боқиш ва ундан ипак олиш технологияси сир сақланган, махфий тутилган. Кейинчалик турли йўллар билан бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошланган. Жумладан ипак курти боқиш, Ўрта Осиёга эрамининг тўртинчи асрида кириб келади. Қадим замонларда шарқ мамлакатлари ипак матолари билан машҳур бўлиб келган. “Буюк ипак йўли” нинг пайдо бўлиши ҳам айнан ушбу соҳа билан чамбарчас алоқадор.

Ўзбекистон пиллачилиги довруғи кетган. Айниқса, Марғилон қадимдан атласлари билан шуҳрат қозонган. Ипакдан тайёрланган атласлар ва адраслардан тайёрланган турли кийим-кечаклар дунёнинг машҳур модалар уйида намоиш қилинади. Камалак рангда товланувчи Марғилон ва Наманган атласлари ўзининг бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида пилла етиштирилади. Пилланинг ялпи ҳосили 1985 йил 32,2 минг т, 1990 йил 31,0 минг т, 2001 йил 17,3 минг т. ва 2006 йил 20,2 минг т. ни ташкил этди. Республика пилласининг тенг ярмига яқини Фарғона водийси вилоятларига тўғри келади.

Ҳар қути (29 грамм) уруғидан олинadиган ўртача ҳосил 53-57 кг, илғор хўжаликларида эса 70-80 кг ни ташкил этади.

Ўзбекистонда пиллачилик пахта етиштириш билан қўшиб олиб борилади, яъни пахтачиликдан кейинги қўшимча тармоқ ҳисобланади. Пахта майдонларининг атрофи тут кўчатлари билан ихотазорлаштирилган. Май ойигача чигит экиб бўлингач пилла боқиш даври бошланади. Бундан кўринадики, меҳнат ресурслари ғўзага ишлов беришдан бўшаган вақтда,

уларни пилла етиштиришга йўналтириш ва ишчи кучидан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Республика етиштирилган пилла Марғилон ва Наманганда қайта ишланади.

БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Балиқчилик чорвачиликнинг энг қадимий тармоқларидан бири. Океан, денгиз, кўл ва дарё соҳилларида яшовчи халқлар ҳаётида катта ўрин тутаяди. Балиқлар инсон саломатлиги учун зарур бўлган оқсил ва бошқа биологик фаол бирикмаларга бойдир. Бугунги кунда жаҳонда оқсилга бўлган эҳтиёжнинг 25 % ни балиқчилик бермоқда. Балиқ овлаш ҳажми сўнгги йилларда 130 млн. т. ни ташкил этади (2001 й). Балиқ овлаш билан сув ҳавзаларига эга бўлган дунёнинг деярли барча давлатлари шуғулланади. Ҳозирда балиқ овлаш 15 млн. киши учун касб-кор ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг истемолида балиқ маҳсулотлари катта ўрин тутаяди.

36-жадвал

Жаҳон мамлакатларида балиқ овлаш (2001 йил)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосил, млн.т. ҳисобида	Мамлакатлар	Ялпи ҳосил, млн.т. ҳисобида
Хитой	42,6	Таиланд	3,6
Перу	8,6	Норвегия	2,6
Ҳиндистон	5,7	Корея Республикаси	2,6
Япония	5,4	Исландия	2,2
АҚШ	5,4	Филиппин	2,1
Чили	4,4	Дания	1,9
Россия	3,7	Индонезия	1,5

Барча мамлакатлар балиқ овлаш билан шуғулланса ҳам, жаҳон бўйича тугилаётган балиқларнинг асосий қисми Хитой, Перу, Ҳиндистон, Япония, АҚШ ва Индонезияга тўғри келади.

Атлантика ва Тинч океанининг шимолий қисми Дунё аҳамиятига эга бўлган ҳавза бўлиб, бу акваториялардан ҳар йили миллионлаб тонна балиқлар овланади.

Ўзбекистонда ҳам қадимдан табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчилик билан шуғулланиб келинади. 1960 йилларгача балиқларнинг асосий қисми Орол денгизида тутилган ва йилига ўртача 25-28 минг т ни ташкил этган. Афсуски бугунги кунда Орол денгизи суви кескин камайиши муносабати билан балиқ овлаш кескин қисқариб кетди.

Республикада балиқ маҳсулотларини етиштиришда интенсив ривожланаётган сунъий сув ҳавзаларининг салмоғи жуда юқори. Балиқ хўжалиги 1937 йилдан бошлаб саноат усулида ривожлантириб келинади. Сирдарё, Амударё дарёлари ҳавзаларида жойлашган Сирдарё, Жиззах (Айдаркўл), Тошкент (Дамачи-Зангиота тумани), Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида йирик балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган.

Маҳаллий шароитга мослашган ва тез кўпаядиган оқ дўнгпешона, оқ амур, тарғил дўнгпешона деб номланган ўсимликлар билан озиқланувчи ўтхўр балиқлар Хитойдан 1961 йилда олиб келиниб, иқлимлаштирилди ва улар тезлик билан кўпая бошлади. Республика балиқчилик хўжаликларида етиштирилаётган балиқларнинг 60-70 % и ўтхўр балиқлардир. Айниқса оқ амур балиғи мелиораторлик вазифасини аъло даражада бажариши билан алоҳида ажралиб туради. У канал, зовур ва коллекторларни табиий равишда ўтлардан тозалаб беради. Сунъий ҳовуз, сув омбор ва кўллардан иборат республика балиқчилик хўжаликлари майдони 12 минг га ни ташкил этади.

Республикада овланаётган балиқларнинг асосий қисми Арнасой (йилига 2000 т.) Оролбўйи кўллари (йилига 3000 т.) га тўғри келади. Кейинги йилларда сув омборларда ҳам балиқ етиштирилмоқда. Тўдакўл (500 т), Чимкўрғон ва Жиззах (70-100 т) сув омборларидан балиқ овланади.

1. Чорвачилик иқтисодиётда қандай ўрин тутади?
2. Умумжаҳон чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми қайси минтақага тўғри келади?
3. Ўзбекистон чорвачиликнинг қайси тармоқлари билан машҳур ҳисобланади?
4. Қорамолчилик қандай йўналишларга эга?
5. Нима учун Ҳиндистонда қорамоллар сони кўп?
6. Қўйчиликнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Нима учун Ўрта Осиёда қорамолчилик қадимдан ривожланиб келган?
8. Ш и п с т е й ш н з нима ва у қайси мамлакатда ташкил этилган?
9. Чўчкачиликнинг бошқа чорвачилик тармоқларидан устунлик жиҳатларини айтинг.
10. Эчкилар қайси ҳудудларда боқилади?
11. Йилқи ва туялар қандай мақсадларда боқилади?
12. Даррандачилик деб қандай тармоққа айтилади?
13. Паррандачилик қандай йўналишларга бўлинади?
14. Асал қандай шифобахш хусусиятларга эга?
15. Пиллачилик иқтисодиётда қандай ўрин тутади?
16. Республикамизнинг қайси минтақалари пиллачиликка ихтисослашган?
17. Нима учун Марғилон қадимдан атласлари билан машҳур ҳисобланади?
18. Балиқ хўжалиги иқтисодиётда қандай ўрин тутади?
19. Қайси мамлакатларида ва дунё океанида энг кўп балиқ ва балиқ маҳсулотлари овланади?
20. Республикада асосий овланаётган балиқ маҳсулотлари қайси кўл ва сув омборларга тўғри келади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
2. Бедрасов Ю.Я., Эргешов Ш.Э. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. -Т.: Ўқитувчи, 1984. -192 б.
3. Бешимова Ш., Салимова Л. Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологияси ва экология. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -381 б.
4. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.
5. Чет эл иқтисодиёти алманахи. -Т.: Фан, 2003. -122 б.
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
7. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни). -Андижон. 2000.